



УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ
ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ.

Бекзод Бойматов

Тошкент шаҳар 59-sonli ИДУМ

География фани ўқитувчиси,

E-mail:boymatovbekzod12@gmail.com

тел: +99897 034-34-16

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7178961>

Аннотация

Дунёда таълим жараёнлари ўқитувчилардан илмий дунёқарашини ривожлантириш, педагогик билимларини аниқлаш ҳамда амалиётга татбиқ этишда электрон ахборот таълим ресурси асосида изланишлар ва электрон ахборот ресурсларни интегратив ёндашув асосида фойдаланиш, мактаб ўқувчиларда ахборот ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Калит сўзлар: Таълим тизими, электрон ахборот таълим ресурслар, ахборот технологиялари, ахборотлаштириш, замонавий таълим, медиа ва медиакомпетентлик, педагогик технологиялар, инновацион технологиялар, медиатеchnологиялар, ахборот ресурслар мажмуаси, асосида ўқитиш.

Кириш. Дунёда таълим жараёнига инновацион технологиялар асосида ўқувчиларнинг табиий ва умуммаданий саводхонлигини ривожлантириш борасида кўпгина ишлар олиб борилмоқда. Замонавий педагогика ахборот технологиялари ва электрон ахборот ресурслардан фойдаланиб, география фанини ўқитишда электрон ахборот ресурсларининг дастурий воситалари, айниқса фанга оид медиакомпетентлигини ривожлантириш ва инновацион технологиялардан фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади.

География фани ўқитувчилари электрон ахборот ресурсларидан дарс вақтида ҳам дарсдан ташқари вақтларда ҳам фойдаланадилар. Ўқув фаолиятида электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш маълумотлар банкида кераклича бўлган дидактик материалларни йиғишга имконият яратиб беради: назорат ишлари ва имтиҳон вариантларини, мустақил ишлар, мисол турлари ва тестларни бланка кўринишидагилари ҳам шулар жумласидандир. Бир гуруҳ олимлар дарс вақтида география фанидан катта миқдордаги рақамли таълимга оид (рақамли таълим ресурслари-РТР) ва электрон ахборот таълим





ресурсларидан фойдаланиш имкониятини берувчи электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари маълумотлар базасининг мавжудлигини ва улардан ўқитувчиларга дарснинг исталган вақтида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

География дарсларида электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш халқ таълими тизимини ахборотлаштириш талабларига мувофиқ қуйидагиларни таъминлайди:

- ўқитишнинг шахсга йўналтирилганлиги;
- маълумотлар базасини илмий ва касбий талабларга мувофиқ интерактив эгаллашга эришиш;
- ўқувчиларни интеллектуал ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятига, ўзаро билимларни ўртоқлашиш ва ҳамкорликка интилишларини орттириш;
- мультимедиа технологиясининг замонавий имкониятлари ёрдамида ўқувчи фаолияти мотивациясини орттириш;
- ўқувчиларни ўқитишнинг ахборот муҳитини яратиш.

Ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида қуйидаги шаклларда фойдаланиш мумкин бўлади:

- муайян предметларни ўқитишда компьютер дарслари;
- компьютер дарслари – кўргазмали материал сифатида;
- ўқувчиларнинг гуруҳли ва индивидуал ишларини ташкиллаштиришда;
- ўқувчиларнинг илмий изланишларини ташкиллаштиришда.

Ўқувчиларнинг география фанидан компетентлигини оширишда электрон ахборот ресурсларидан фойдаланишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- ўрганилаётган ўқув-маълумотларни анимация, аудио ва видео шаклда тақдим этиш;
- ўқувчи идрок ва билиш жараёнининг тўлиқ иштирокчисига айланадиган ўқув жараёнида ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг интерфаол ҳамкорлиги;
- ҳар хил ташқи ахборот манбалари билан мустақил ишлаш имконияти;
- ўқувчилар томонидан ўқув жараёнида олинган билим ва кўникмаларни онлайн тест синовлари тизимлари орқали доимий мониторинг қилиш ва баҳолаш.

Умумтаълим муассасаларида замонавий компьютер воситалари ва дастурий таъминот билан жиҳозлаш, ўз навбатида, ахборот-коммуникация технологияларининг кенг фойдаланиш ва таълим жараёнида қўллаш олиш





алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу туркум глобал, минтақавий ва маҳаллий компьютер тармоқларининг, шу, жумладан Интернет ахборот тармоғининг асоси бўлиб, ресурсларга умумий киришни таъминлайдиган ягона ахборот маконини яратади. Таълимга бундай ёндашиш ўқувчининг география фанга қизиқишини ривожлантиради, энг муҳим маълумотларни батафсил хабардор бўлиш имкон беради ва ўрганилган материални амалда қўллаш компитенцияси янада ривожлантиради. Бундан ташқари электрон ахборот ресурслардан фойдаланган ҳолда дидактик ўқув жараёнини тўлиқлигини ва узлуксизлигини таъминлаш талаби ахборот-коммуникация воситалари билан ишлаш давомида таълимнинг барча бўғинларини англаш қобилиятини шакллантиради.

Адабиётлар:

1. 2022-йил 28-январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
2. Роберт И.В. и др. Теоретические основы создания образовательных электронных изданий / Томск: Изд-во Том. Ун-та, 2002. – 5,4
3. UNESCO (1999) Recommendations Addressed to the United Nations Educational Scientific and Cultural Organization UNESCO. In Education for the Media and the Digital Age Vienna pp 273-274.
4. Маматова Я., Сулайманова С. Узбекистан медиатаълим тараққиёти йўлида. Ўқув қўлланма. -Т.: Extremum-press, 2015. 60-64-б.
5. Шариков А.В. Так что же такое медиаобразование? // Медиаобразование. 2005. № 2. - С. 77.
6. UNESCO, 1984. Media education. Paris: UNESCO. P. 8.

